

## 13-боб. Мушрик ота-онага яхшилик қилиш



10:03 / 25.11.2018 3571

24. Саъд ибн Абу Ваққосдан ривоят қилинади:

**«Аллоҳ таолонинг Китобида мен ҳақимда тўртта оят нозил бўлган.**

**Онам агар Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламдан айрилмасам, овқат емаслик ва сув ичмасликка қасам ичган эди. Шунда Аллоҳ азза ва жалла «Агар икковлари сени ўзинг билмаган нарсани Менга ширк келтиришга зўрласалар, уларга итоат этма ва дунёда икковларига яхшилик қил»ни нозил этди.**

**Иккинчиси: Мен ўзимга ёққан қилични олволган эдим. «Эй Аллоҳнинг Расули, буни менга ҳиба қилинг», дедим. Шунда «Сендан ўлжалар ҳақида сўрарлар» ояти нозил бўлди.**

**Учинчиси: Бемор бўлдим. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам кўргани келдилар. Мен: «Эй Аллоҳнинг Расули! Мен молимни тақсимламоқчиман. Ярмини васият қилайми?!» дедим. «Йўқ», дедилар. «Учдан бирини-чи?» дедим. Сукут сақладилар. Ўшандан кейин учдан бир жоиз бўлди.**

**Тўртинчиси: Ансорийлардан бир қавм билан хамр ичдим. Улардан бир киши бурнимга туянинг жағ суяги билан урди. Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига борган эдим, Аллоҳ азза ва жалла хамрнинг ҳаромлигини нозил қилди».**

*Шарҳ:* Ушбу ривоятда бу бобга боғлиқ ери очиқ кўриниб турибди. Ундан Аллоҳ таоло Қуръони каримда фарзандлар мушрик ота-онага ҳам яхшилик қилишлари кераклигини таъкидлаганини билиб оламиз.

Бу ривоятдан унинг ровийси Саъд ибн Абу Ваққос розияллоҳу анҳунинг фазллари ҳам билиб оламиз. Бунга у кишининг ривоят бошидаги қуйидаги гаплари далилдир.

**«Аллоҳ таолонинг Китобида мен ҳақимда тўртта оят нозил бўлган».**

Ҳар бир саҳобий учун унинг ҳақида бирор оят нозил бўлиши катта обрў ҳисобланади. Аммо бир эмас, бир йўла тўрт оят нозил бўлиши қанчалар обрў ва фазл эканини билиб олаверсак бўлади.

Энди ана шу тўрт оятни уларнинг нозил бўлиш сабаблари билан ўрганиб чиқайлик.

**«Онам агар Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламдан айрилмасам, овқат емаслик ва сув ичмасликка қасам ичган эди.**

**Шунда Аллоҳ азза ва жалла:**

**«Агар икковлари сени ўзинг билмаган нарсани Менга ширк келтиришга зўрласалар, уларга итоат этма ва дунёда икковларига яхшилик қил»ни нозил этди».**

Тарихчиларимиз қилган ривоятларда Саъд ибн Абу Ваққос розияллоҳу анҳунинг ўзлари Исломга қандай кирганларини қуйидагича васф қиладилар:

«Исломга киришимдан уч кун олдин тушимда ўзимнинг қатма-қат зулматлар ичида қолганимни кўрдим. Унинг тўфони ичида типирчилаб

турганимда, бирдан менга ой нур сочиб қолди. Мен у томон юрдим. Ўз олдимда у ойга мендан олдин борганларни – Зайд ибн Ҳориса, Али ибн Абу Толиб ва Абу Бакр Сиддиқни кўрдим. Уларга:

«Бу ерга қачон келдингиз?» дедим.

«Мана шу соатда», дедилар.

Эрта билан менга Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг яширин равишда Исломга даъват қилаётганлари ҳақида хабар етди. Шунда Аллоҳ таоло менга яхшилиқни ирода қилганини, мени зулматлардан нурга чиқаришни ирода қилганини билдим.

У зот томон шошилиб бордим. Жиёд дарасида учратдим. Намоз ўқиб турган эканлар. Мусулмон бўлдим. Тушимда кўрганларимдан бошқа шахс менинг олдимга туша олмаган.

Онам Исломга кирганимни эшитиши билан тўполон қилишни бошлади. Мен унга яхшилиқ қиладиган ва маҳбуб йигит эдим. У менинг олдимга келиб:

«Эй Саъд, сен қандай динга кирдинг ўзи?! У сени ота-онангнинг динидан чалғитибди! Аллоҳга қасамки, ё янги динингни тарк қиласан, ёки ўлгунимча еб-ичишдан воз кечаман! Менга маҳзун бўлганингдан юрагинг парча-парча бўлиб кетади! Қилган ишингдан надомат қилиб ўлиб кетасан! Одамлар сени абадий айблаб юрадилар!» деди.

«Эй она, ундай қилманг. Мен барибир ўз динимдан қайтмайман», дедим».

Ҳа, бошқа барча янги мусулмонлар каби Саъд ибн Абу Ваққос ҳам ўз Исломларини эълон қилишлари биланоқ дин йўлида синовга дучор бўлдилар.

Саъд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Саъднинг онаси ҳатто у ўз динига куфр келтирмагунича унга асло гапирмасликка, еб-ичмасликка қасам ичди. Ва: «Аллоҳ сенга ота-онангга итоат этишга амр қилган, мен онангман, сени шунга амр қиляпман!» деди.

Уч кун ўтиб, қийналганидан ҳушидан кетиб йиқилди. Умора деган ўғли туриб, унга (бир нарса) ичирди».

Бошқа ривоятда шундай дейилади:

«Унга ичимлик ичирмоқчи бўлишса, оғзини чўп билан очиб туриб қуйишар эди. У Саъдни дуоибад қила бошлади. Шунда Аллоҳ таоло **«Ва инсонга ота-онасига яхшилик қилишни тавсия қилдик. Агар улар сени ўзинг билмаган нарсани Менга ширк келтиришинг учун ижтиҳод қилсалар, бас, уларга итоат қилма»** оятини нозил қилди».

*Муслим ва Термизий ривоят қилишган.*

Ўша вақтнинг мушриклари янги мусулмонларни азоблашнинг турли услубларини топганларига яна бир далил. Кўплаб саҳобаи киромларнинг ҳар бирига ўзига хос азоб ўйлаб топилган эди.

Саъд ибн Абу Ваққосга эса маънавий азоб ишлатганлар. Энг азиз киши бўлмиш онанинг «Динингдан қайтмасанг, сенга гапирмайман, ўзим еб-ичмайман», деб туриб олиши ўғил учун энг оғир маънавий азоб бўлиши турган гап. Ундан кўра калтаклаб азоб берсалар, енгилроқ бўларди.

Саъд ибн Абу Ваққоснинг оналари билан бўлиб ўтган бу можаролари ҳақида имом Термизийнинг юқорида зикр қилинган «Ва инсонга ота-онасига яхшилик қилишни тавсия қилдик. Агар улар сени ўзинг билмаган нарсани Менга ширк келтиришга зўрласалар, уларга итоат этма» ояти каримасининг нозил бўлиш сабаби ҳақидаги яна бир ривоятни ўргансак, ҳолат яна ҳам равшанлашади.

Имом Термизий бу ҳақда қуйидагиларни ривоят қиладилар:

«Ушбу оят Саъд ибн Абу Ваққос розияллоҳу анҳу ва унинг онаси Ҳамна бинти Абу Суфён ҳақида нозил бўлган. У онасига яхшилик қилувчи эди. Онаси унга:

«Бу янги дининг нима ўзи? Аллоҳга қасамки, аввалги ҳолингга қайтмагунингча, ўлсам ҳам овқат ҳам емайман, ичимлик ҳам ичмайман. Кейин умрбод шу билан ор-номусга қолиб кетасан. Сени «Эй онасини ўлдирган», деб чақиришади», деди.

Сўнгра аёл бир кечаю бир кундуз таом емай, ичимлик ичмай ётди. Сўнгра Саъд розияллоҳу анҳу унинг олдига келиб:

«Эй онагинам, агар сенинг юзта жонинг бўлса-ю, битта-биттадан чиқиб турса ҳам, мен динимдан қайтмайман. Агар хоҳласанг, еб-ич, хоҳламасанг, еб-ичма», деди.

Саъднинг динидан қайтишидан ноумид бўлган онаси еб-ичди. Ана шунда Аллоҳ таоло юқоридаги оятни нозил қилди».

Уламоларимиз юқорида зикри келган ояти кариманинг Саъд ибн Абу Ваққос розияллоҳу анҳу ҳақида нозил бўлганини таъкидлашади. У киши Макка ёшлари ичида онасини ҳурмат қилиш билан ном чиқарган эдилар. Бошқа ёшларга онани эҳтиром этишда Саъд розияллоҳу анҳу мисол қилиб кўрсатиларди. Иймонга келганларидан сўнг Саъд розияллоҳу анҳу айнан ушбу нозик нуқтада синовга учрадилар. Аммо у киши иймонни устун қўйдилар.

Ўн етти ёшли йигит Саъд ибн Абу Ваққоснинг дин йўлида қилган бу ишлари мисли кўрилмаган қаҳрамонлик эди. Шу билан бирга, Саъд ибн Абу Ваққос оналарига яхшилик қилишда бардавом бўлдилар. Чунки Аллоҳ таолонинг «Ва уларга бу дунёда маъруф ила соҳиб бўл» деган қавлига биноан Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам у кишига оналарига яхшилик қилишда бардавом бўлишни амр қилган эдилар.

*(давоми бор)*